



ЙИЛЛИК ЎСУВЧИ НОВДАЛАРНИ КЕСИШНИНГ ЎРИК НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

А.Э.Қаршиев

Тошкент Давлат Аграр университети мевачилик ва
узумчилик афедраси катта ўқитувчиси қ.х.ф.ф.д
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10652686>

Мақолада косасимон шакл берилган маҳаллий ва интрадукция қилинган ўрик навларининг йиллик ўсувчи новдаларнинг турли усулларда кесишни ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган.

Аннотация В данной статье изучалось влияние разных способов обрезки однолетних побегов местных и интродуцированных сортов абрикоса.

Abstract. The effect of different pruning technologies of annual stems of local and introduced apricot varieties is described in the article.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПФ-5853-сон Фармонлари ижросини таъминлашда ушбу илмий-тадқиқот ишлари натижалари муайян даражада хизмат қилади [1].

Бугунги кунда саноат боғдорчилигининг асосий вазифаси республика аҳолиси талабини турли хилдаги мевалар билан қондириш, ҳамда, хорижий давлатларга экспорт қилишни кўзда тутувчи сифатли сар хил мевалар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобланади. Бунга боғлиқ равишда бошқа мевалар орасида ўзининг истеъмол бозорида ҳамда қайта ишлаш саноатида юқори ўринларда туриши билан муҳим аҳамият касб этадиган ўрик навларини етиштириш катта аҳамият касб этади.

Ўрик – юқори потенциал унумдорликка эга бўлган мева тури бўлиб экилган кўчатларда 3-4 йилдаёқ ҳосил элементлари намоён бўлади. Одатда шакл берилмаган ва кесилмаган ўрик дарахти дастлабки йилларда мўл ҳосил берганлиги билан унинг қариш даври тезлашади, вақтидан олдин қуриydi, мева ва барглари майдалашади, ҳар хил касалликлар билан тез ва кучли зарарланади. Бунинг натижасида шохларда ҳосил элементлари кам шаклланади, мева ҳосил қилиш зонаси эса шохлар учига кўчади. Ҳосилнинг оғирлиги натижасида шохлар синиб, дарахт шикастланади. Бу ўрик навларида мева ҳосил қилишнинг номунтазамлигини изоҳлайди, аммо, боғбонлар эса бунга кўпинча об-хаво шароитларини сабаб қилиб кўрсатишади [2-3].



ITALY

SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

Шу билан боғлиқ ҳолда турли йилларда мевали ўсимликларни кесиш муаммолари билан шуғулланган тадқиқотчилар ҳар қандай дарахтнинг ер усти қисми ривожланишини ва ўсишини таъминловчи агротехник тадбирлардан бири бу кесишдир деб кўрсатилиб, бунинг натижасида шохлар, ёғочликнинг ўсувчи ва мева берувчи қисми ўлчамларидаги нисбат ўзгариши, новдаларнинг мевали қисми узунлиги, уларнинг сони ошиши ва барглари кўпайиши, шу билан бирга, шохларнинг ёритилиши натижасида дарахтнинг узоқ яшашига маҳсулдорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатиши таъкидланган [4].

Бу борада илмий-тадқиқотлар олиб борган муаллифларнинг фикрича боғдорчиликда шакл бериш ва буташ асосий агротехник тадбирлардан бири ҳисобланади. Шу билан боғлиқ ҳолда турли йилларда мевали ўсимликларни буташ муаммолари билан шуғулланган кўпчилик олимларнинг маълумотларига кўра ҳар қандай дарахтнинг ер ости қисми ривожланишини ва ўсишини таъминловчи агротехник чора тадбирлардан бири бу новдаларни буташдир. Йиллик новдаларни буташ натижасида шох-шабба параметрлари, ўсиш ва мева шаклланишининг ўзаро муносабати ўзгаради. Мева шохларининг сони ва узунлиги ошади. Шу билан бир вақитнинг ўзида шох-шабба қисмига тарқалган ёруғлиги ортади, мевалиларининг барглилиги ошади ва бунда унумдорлик ҳамда узоқ яшашга ижобий таъсир кўрсатади. [5. 6. 7. 8].

Данакли мевали ўсимликларни етиштириш агротехникаси, шакл бериш усуллари, сақлаш ва қайта ишлаш технологияси борасида кенг қамровли тадқиқотлар Арманистон, Хитой, Молдавия, Эрон, Россия, Тожикистон, Қирғизистон каби мамлакатларда Г.С. Есяян, П.Р. Арзуманян, С.Л. Агулян, Г.С. Есяян, А.С. Мелконян, В.М. Микаелян, В.К. Смикова, Ш.А. Хабибуллин, Н.В. Ковалев, К.Г. Никишин, А. Пулатов, В.В. Кузнецов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Ўзбекистонда данакли мевали ўсимликларни шу жумладан ўрикни етиштириш билан ҳар хил йилларда А.А. Рибакон, С.А. Остраухова, О.К. Афанасьев ва М.М. Мирзаевлар тадқиқот олиб боришган.

Ўрик мева турини етиштиришда кўплаб олимлар кузатувлар олиб борган бўлсада шаклланиши, ҳосилдорлиги, мослашувчанлиги ва бошқа бир қатор белги хусусиятлари билан фарқ қилиши аниқланган ҳамда илмий тадқиқотлар орқали ўрганилиб келинмоқда, шу ўринда Бизнинг тадқиқотларимизда ҳам маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик





навларига ҳар хил усулларда шакл беришнинг ҳосилдорликка таъсири ўрганилди.

Тадқиқот усуллари.Тадқиқотларда маҳаллий ва интрадукция қилинган ўрик навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсир этувчи косасимон шакл берилган ўрик навларининг йиллик ўсувчи новдаларни, хусусан, 15 см ёки 1/4 қисмга, 30 см ёки 1/3 қисмга ва 45 см ёки 1/2 қисмга қисқартириш ҳамда назорат қисқартирилмасдан қолдирилган новдалар ҳисобланди. Дала тажрибалари Х.Буриев, Н.Енилеев ва бошқаларнинг «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» бўйича амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари. Тжариба натижаларига кўра, бир туп дарахтдаги гуллар сони тўлиқ гуллаганда тегишли тартибда ўртача 2017 йилда – 7380, 2018 йилда – 3260 ва 2019 йилда – 1540 тагача бўлиб, ҳосил бўлган мевалар сони эса мутаносиб равишда 104, 295 ва 1109 донани ташкил қилди.

Меваларнинг пиша бошлаши 2017 йилда 23 июн, 2018 йилда 7 июн ва 2019 йилда эса 14 июнда бўлиб, пишиб етилган мевалар сони 87; 262 ва 588 дона, сифатли мевалар сони 68; 244 ва 971 донани ташкил қилди. Бир дона сифатли мевасининг оғирлиги 36,0; 35,8 ва 36,1 г, мевасининг ён ўлчами 37,65; 38,73 ва 39,34 см, мевасининг тик ўлчами 38.54; 39,23 ва 39,62 см, 10 дона ўртача мевасининг оғирлиги 357,9; 356.0 ва 358.5 г, бир тупдаги ўртача ҳосилдорлик 3,1, 9,4 ва 16,3 кг ни намоён қилди.

Йиллик ўсувчи новдаларнинг кесиш усуллариининг ўрик навлари ҳосилдорлигига таъсири ўрганиш натижасига кўра, стандарт Субхони навига нисбатан Моника бланка навида бир тупдаги ўртача ҳосил назоратда (2017, 2018 ва 2019 йиллар бўйича) 2,1; 23,3 ва 32,3 кг, йиллик ўсувчи новдаларни 15 см (1/4) қолдириб кесишда – 3,5; 20,1 ва 27,6 кг; йиллик ўсувчи новдаларни 30 см (1/3) қолдириб кесишда 11,7; 36,2 ва 49,4 кг; йиллик ўсувчи новдаларни 45 см (1/2) қолдириб кесишда эса 6,5; 30,7 ва 23,4 кг ҳосил элементларини шакллантириб, энг юқори самарадорлик кўрсаткичи бу йиллик ўсувчи новдаларни 30 см (1/3) қолдириб кесишда (108 ц/га) ёки энг паст кўрсаткич йиллик ўсувчи новдаларни 15 см (1/4) қолдириб кесишда (56,8 ц/га) бўлганлиги аниқланди.

Бошқа ўрганилган навлардан стандарт Субхони навига нисбатан Исфарақ, Клони Кандак, Субхони Гигант ва шалах навларида ҳам Моника бланка нави каби йиллик ўсувчи новдаларни 30 см (1/3) қолдириб



кесишда энг юқори ҳосилдорликка эришилди. Бошқа навлар эса Субхони навига тенг ёки паст кўрсаткичларни намоён қилди.

Хулоса

1. Йиллик ўсувчи новдаларни меёрида кесиш орқали барча шохларнинг ёритилиши ва яхши шамоллатилиши, ҳаво режимини таъминловчи шох-шабба шакиллари яратишга эришиш мумкин.

2. Дарахт шох-шаббалари мустақкам, меванинг кўп ҳосилини ўзида шакллантиришида ривожланишнинг биринчи йилиданоқ буташ орқали шакллантириб бориш зарур.

3. Ўрик навларининг йиллик ўсувчи новдаларни кучли ўсувчи навларнинг аксариятида 30 см (1/3) қолдириб кесишда энг юқори ҳосилдорликка эришиш мумкинлиги аниқланган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги « Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПФ-5853-сон.

2. Фисенко А.И. Схемы посадок, формирования и управление ресурсным потенциалом плодовых растений // Интенсивные технологии возделывания плодовых культур. – Краснодар, 2004. – С. 281-295

3. Черепяхин В.И. Обрезка плодовых деревьев в интенсивных садах. – М.: Россельхозиздат, 1983. – 160 с.

4. Смыков В. К. Пути повышения продуктивности абрикосовых садов Повышение продуктивности абрикосовых насаждений // Сб. научных трудов. – Ялта, 1986. – Т. 100. – С. 7-15.

5. Агафонов, Н. В. Научные основы размещения и формирования плодовых деревьев / Н. В. Агафонов.-М.: Колос, 1983.- 173 с.

6. Муханин, И. В. «Шоковая» омолаживающая обрезка / И. В. Муханин.- Тамбов: Изд-во ТГТУ,- 2001.- 103 с.

7. Мухин С. А. Обрезка и формирование плодовых деревьев / С. А. Мухин.- Краснодар. 1979.-20 с.

8. Фисенко, А. И. Схемы посадок, формирования и управление ресурсным потенциалом плодовых растений /А. Н. Фисенко // Интенсивные технологии возделывания плодовых культур.- Краснодар.2004- с. 281-295.

